

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ПЕКАН ЎСИМЛИГИ
НЕМАТОДАЛАР ФАУНАСИ**

Саидова Элмира Анваровна
Термиз давлат университети, Термиз ш., Ўзбекистон

**ФАУНА НЕМАТОД РАСТЕНИЙ ПЕКАНА В
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

Саидова Элмира Анваровна
Термезский государственный университет, г. Термез, Узбекистан

**FAUNA OF NEMATODES OF PLANTS OF BAKERY IN THE
SURKHANDARYA REGION**

Saidova Elmira Anvarovna
Termez State University, Termez, Uzbekistan

Аннотация. Mazkur maqolada Surxondaryo viloyati sharoitida pekan o'simligi nematodalarining faunasi, tarqalish xususiyatlari to'g'risida ma'lumotlar berilgan. Tadqiqotlar natijasida Surxondaryo viloyati sharoitida pekan o'simligida 2 ta kenja sinf, 8 ta turkum, 16 ta oila, 27 ta avlodga mansub 45 tur nematodalar aniqlandi.

Калит sozlar: Surxondaryo viloyati, pekan, nematodalar, ildiz sistemasi, ildiz atrofidagi tuproq, Rhabditida, Dorylaimida, Aphelenchida

Абстрактный. В данной статье представлены сведения о фауне и особенностях распространения пекановых нематод в Сурхандарьинской области. В результате исследований у растения пекан в Сурхандарьинской области выявлено 45 видов нематод, принадлежащих к 2 подклассам, 8 родам, 16 семействам и 27 родам.

Ключевые слова: Сурхандарьинская область, пекан, нематоды, корневая система, почва вокруг корня, Rhabditida, Dorylaimida, Aphelenchida

Abstract. This article presents information about the fauna and the peculiarities of the spread of baking nematodes in the Surkhandarya region. As a result of studies, 45 species of nematodes belonging to 2 subclasses, 8 family, 16 families and 27 births were identified in the Plant of bakers in the Surkhandarya region.

Key words: Surkhandarya region, bakers, nematodes, root system, soil around the root, Rhabditida, Dorylaimida, Aphelenchida

Сурхондарё вилоятида фитогельминтологик тадқиқот олиб борилган, жумладан, сувомборларда учровчи эркин яшовчи ва фитопаразит нематодалар ўрганилган. Сурхондарё вилоятидаги Учқизил ва Жанубий-Сурхон сув омборида илк бор тадқиқот ишлари олиб борилиб, 119 турдаги эркин яшовчи ва фитопаразит нематодалар сув омборлар тупроқларида, хара, торон сув ўсимликлари, қирғоқ бўйи қамиш ва кўға ўсимликларида аниқланган бўлиб, улар 3 кенжа синф, 9 туркум, 18 кенжа туркум, 10 катта оила, 42 оила, 41 кенжа оила ва 64 авлодга мансублиги қайд этилган [3,4]

Пеканни тижорат мақсадларида етиштириш 1880 йилларга қадар бошланган. XIX - асрнинг бошларида бу ёнғоқларнинг дунёдаги ҳосилининг камида 80% АҚШда йиғилади.

Пекан ёғочлари қаттиқ, зич ва зарбаларга чидамли. У турди хил мебель, спорт ва чолғу асбоблари яшашда ишлатилади. Бундан ташқари, тахта хушбўйлаштирувчи восита сифатида кўра овқатларга ширин лаззат беради.

Пекан турли микроэлементлар ва витаминларга, айниқса А, В ва Е витаминларига, кальций, фосфор, магний, калий ва рухга бой. Холестеролга қарши парҳезларда фойдаланиш тавсия этилади.

Пекан бошқа кўплаб ёнғоқларга қараганда ёғлироқдир. Пекан бошқа ёнғоқларга қараганда кўпроқ калория ва кўп тўйинмаган ёғларга эга бўлганлиги сабабли (70%), пеканларни ёғли овқатларга қўшимча сифатида эмас, балки меъёрида истеъмол қилиш керак.

Пекан Жанубий Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди худудларида ва дендрология боғларида ўстирилади.

Ўзбекистонда пекан ўсимлиги нематодалари умуман ўрганилмаган. Шу боисдан биз ўз олдимизга Сурхондарёда ўсадиган пекан ўсимлиги нематодалари комплексини ўрганишни мақсад қилиб қўйдик [5,6]

Тадқиқот ишининг эколого-фаунистик қисмини амалга ошириш ва пекан ўсимлиги нематодалари турлар таркибини аниқлашда МДХ

мамлакатлари фитогелминтологлари томонидан кенг қўлланиладиган умумий қабул қилинган маршрут усулидан фойдаланилди [1,2]. Бу усулдан Сурхондарё вилояти шароитида песан ўсимлиги устида кенг қўламли фитогелминтологик кузатувлар олиб бориш мақсадида фойдаланилди.

Нематодаларни тупроқ ва ўсимлик тўқималаридан ажратиб олиш учун асосан Берманнинг воронкали услубидан фойдаланилди. Доимий препаратлар тайёрлашда Сайнхорст [7] усулидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Текширишлар натижасида пекан ўсимлигида 45 тур нематода топилган бўлиб, улар 8 туркум, 16 оила, 27 авлодга мансуб. Топилган нематода турларидан девисапробионтлар-17 тур, параризобионтлар- 10 тур, эусапробионтлар-3 тур, фитогелминтлар-15 турни ташкил этди (1-жадвал).

Топилган нематодалар популяциясининг зичлиги бўйича Rhabditida туркуми етакчи ўринда бўлиб, ушбу туркум вакиллари умумий нематодалар сонининг 37,7% ини ташкил этади.

Tylenchida туркуми вакиллари нематодалар сонининг 22,2% ини, Dorylaimida туркуми 15,5% ини, Aphelenchida туркуми эса 11,1% ини ташкил этди. Mononchida, Enoplida, Xromadorida, Plektida туркумлари умумий ҳолатда 13,3% ни ташкил этишди.

Фитогелминтлар ва девисапробионтлар умумий нематодалар турлари сонининг 66,6% ини ташкил этди. Параризобионтлар умумий нематодалар сонининг 20% ини ташкил қилди. Эусапробионтлар энг кам сонда учради ва умумий нематодалар сонининг 13,3% ини ташкил этди (1-жадвал).

Пекан ўсимлиги илдизи ва илдиз атрофи тупроғида *Hetrocephalobus elongatus*, *Acrobeloides nanus*, *Panagrolaimus rigidus*, *Rhabditis brevispina*, *R. filiformis*, *Aphelenchus avenae* каби турлар энг кўп сонда учраши аниқланди.

1-жадвал

№	Турлар номи	Экологик гуруҳлари
1	<i>Alaimus striatus</i>	Параризобионт

2	<i>Clarcus papillatus</i>	Параризобионт
3	<i>Dorylaimus stagnalis</i>	Параризобионт
4	<i>Paradorylaimus filiformis</i>	Параризобионт
5	<i>Eudorylaimus paraobtusicaudatus</i>	Параризобионт
6	<i>Xiphinema pachtanicum</i>	Фитогельминт
7	<i>X. index</i>	Фитогельминт
8	<i>Tylencholaimus minimus</i>	Параризобионт
9	<i>Achromadora tenax</i>	Параризобионт
10	<i>A. terricola</i>	Параризобионт
11	<i>Plectus geophilus</i>	Параризобионт
12	<i>Proteroplectus inguirendus</i>	Параризобионт
13	<i>Teratocephalus terrestris</i>	Девисапробионт
14	<i>Heterocephalobus elongatus</i>	Девисапробионт
15	<i>H. filiformis</i>	Девисапробионт
16	<i>Eucephalobus oxyuroides</i>	Девисапробионт
17	<i>Acrobelloides labiatus</i>	Девисапробионт
18	<i>A. nanus</i>	Девисапробионт
19	<i>Chiloplacus propinquus</i>	Девисапробионт
20	<i>Ch. Quintastriatus</i>	Девисапробионт
21	<i>Ch. Lentus</i>	Девисапробионт
22	<i>Ch. Sclerovaginated</i>	Девисапробионт
23	<i>Ch. demani</i>	Девисапробионт
24	<i>Cervidellus serratus</i>	Девисапробионт
25	<i>C. bonus</i>	Девисапробионт
26	<i>Panagrolaimus rigidus</i>	Девисапробионт
27	<i>P. hygrophilus</i>	Девисапробионт
28	<i>P. subelongatus</i>	Девисапробионт
29	<i>P. ruffoi</i>	Девисапробионт
30	<i>Pelodera operose</i>	Эусапробионт
31	<i>Rhabditis brevispina</i>	Эусапробионт
32	<i>Rh. filiformis</i>	Эусапробионт
33	<i>Aphelenchus avenae</i>	Фитогельминт
34	<i>Paraphelenchus myceliophthorus</i>	Фитогельминт
35	<i>Aphelenchoides parietinus</i>	Фитогельминт
36	<i>A. composticola</i>	Фитогельминт
37	<i>A. limberi</i>	Фитогельминт
38	<i>Tylenchus davainei</i>	Фитогельминт

39	<i>Lelenchus leptosome</i>	Фитогельминт
40	<i>Tylenchorhynchus cylindricus</i>	Фитогельминт
41	<i>Helicotylenchus dihystera</i>	Фитогельминт
42	<i>H. erythrinae</i>	Фитогельминт
43	<i>Pratylenchus pratensis</i>	Фитогельминт
44	<i>Meloidogyne incognita</i>	Фитогельминт
45	<i>Paratylenchus nanus</i>	Фитогельминт

O'zbekistonda, xususan, Surxondaryo viloyati hududida pekan o'simligi nematodalar kompleksi, sistematikasi, ekologiyasi, tarqalish xususiyatlari hamda parazit turlariga qarshi kurash choralarini ishlab chiqish bo'yicha fitogelmintologik tadqiqotlar juda kam o'tkazilgan bo'lib, hozirgi vaqtda parazit nematodalarning salbiy ta'siri oshib borayotganligini e'tiborga olib, pekan o'simligi nematodalari ustida to'laqonli tadqiqotlarni amalga oshirish dolzarb vazifalardan sanaladi.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Парамонов А.А. Опыт экологической классификации фитонематод // Тр. ГЕЛАН СССР. 1952. - Т.6. - С. 338-369.
2. Парамонов А. А. О некоторых принципиальных вопросах фитогельминтологии // В кн: Сб. работ молодых фитогельминтологов. - М.: 1958. - С.3-11.
3. Рахматуллаев Б. А. Фауна нематоды береговой растительности южносурхонского водохранилища //Актуальные научные исследования в современном мире. – 2017. – №. 4-6. – С. 24-27.
4. Рахматуллаев Б. А., Эшназаров к. Испытание растительных отходов, как средство борьбы с галловыми нематодами //Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. – 2018. – С. 20.
5. Саидова Э.А. К проблеме изучения нематод орехоплодных культур в Сурхандарьинской области Узбекистана //Биологияда замонавий тадқиқотлар:муаммо ва ечимлар. Халқаро илмий-амалий конф. Термиз, 2022 й. Б.333-337
6. Seinhorst J.V. Быстрый способ перевода нематод из фиксатора в безводный глицерин // Nematologica. 1959. Т.4. - С. 67-69.